

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 48 (66277)

2000 йил 30 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

БОЛА БАХШИНИНГ БОЛАЛАРИ

Маълумки, Хоразм воҳасида XX асрнинг ўрталарида Бола бахши номи билан донг таратган машҳур бир зот ўтганди. Бола бахши “Гўр ўғли”, “Ал-помиш” “Ойбалдоқ” каби халқ достонларини тўй-маъракаларда айтиб, халқимизни ўлмас меросларимиздан баҳраманд қиларди. Атоқли бахши фақат қадимий меросларимизни сақлаб қолмасдан, айна чоғда ўзига муносиб шогирдларни ҳам тарбиялайди.

Ота касбини эгаллаган Бола бахшининг ўғли Матёқуб оға раҳбарлигидаги хивалик бир гуруҳ истеъдодли болалар яқинда Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида XVI халқаро болалар хайрия концертида иштирок этдилар. Бу концерт ЮНЕСКО дастури бўйича The ada khan Trust For Culture - яъни, халқаро маданият жамғармаси томонидан уюштирилган бўлиб, унда элликдан ортиқ мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар қатнашдилар. Хайрия концертида мамлакатимиз Ўзбекистон номидан қатнашган хивалик ўқувчилар Илҳомбек Рўзметов, Рустам Оллоқулиев, Нодирбек Отажонов, Маъмура Машариповалар санъатсевар томошабинларнинг олқишларига сазовар бўлдилар. Улар Германияга тўпланган болаларга “Алпомиш” достонини кўҳна Хоразм шевасида мароқ билан куйлаб бердилар. Муҳташам санъат саройида “Алпомиш” достони янграганда томошабинлар қалқиб, тик турган ҳолда ижрочиларни олқишлайди...

Азамат мард эдим, бўлмайин почор,
Дўстга зор айлама,

душманларга хор,
Шоҳимардон, шоҳи Кавсар йўл
бошқар,

Эсининг шогирди Бобой Қамбар,
Али билан йўлдош Молики аждар,
Раҳмат дарё тошар ул файзи саҳар,
Ўлимнинг кечин бер, имонга қувват,
Авал берган бош давлатнинг -

тан сиҳат,
Шайтондан имонини сақланг
саломат...

ЮНЕСКО дастури асосида ҳар йили “Болалар учун” махсус тайёрланиб, Европа давлатларининг пойтахтларида ўтказиладиган бундай хайрия концертлари “учинчи дунё”да яшайдиган болаларга моддий ёрдам бериш мақсадида уюштирилади. Концертдан тушган маблағ табиий офат ёки ижтимоий инқирозни бошидан кечирган мамлакатларда яшаётган болаларга инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилади.

ЗУМРАША-ПРЕСС

Азизжон Абзаловман, дея ўзини таништирган ёқимтойгина, қарашлари зийрак болакайни гапга солдик. У Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 234-гимназия мактабининг 8-“А” синфида ўқир экан.

- Азизбек, тенгқурларингиз 5-синфда ўқишади. Сиз бир йўла уч синфни сакраб ўтибсиз-да?

- Беш ёшимдан ўзим хоҳ-

лаб мактабга чиққанман.

Олдинига устозларим “ўқиб кетолмаса керак”, деб ўйлашган экан. Бироқ, биринчи синфни битириб, бир йўла иккинчи синфни сакраб ўтдим.

- Синфдошларингиз билан муаммолар юзага келмайдими? Ҳар ҳолда улар сиздан уч ёш катта.

- Йўқ. Мени жуда яхши кўришади. Ўз навбатида мен ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўяман. Биз синфдошлар бир-биримизни сизсираб гаплашамиз.

- Жуда яхши. Ахилликка не етсин, тўғрими?

- Тўғри. Дўстлик, иноқлик орқасида кўп яхши ишлар туради. Китобларда ҳам кўп кузатганман.

- Демак, китоб ўқишни яхши кўраркансиз-да?

- Ҳа, яқинда Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романини ўқиб тугатдим.

- Фанлардан фақат “беш” баҳо олсангиз керак?

- Алгебра, геометриядан чорагимга “тўрт” чиқди.

- Бундан хафа эмасмисиз?

- Йўқ. Бу фанлар мураккаб. Ёлгон «беш» баҳодан, ҳақиқий «тўрт» яхши.

- Бўш вақтларингиз кўпроқ мактабдаги “Ёш ватанпарварлар” тўғарагида ўтар экан. У қандай

тўғарак?

- 1998

й и л д а

мактаби-

мизнинг

маънавият ва

маърифат иш-

лари бўйича ди-

ректор ўринбо-

сари Муборак опа

Фаниеванинг та-

шаббуслари билан

бу тўғарак

тузилган. Тўғарагимиз уч қисмдан

иборат. 1-4- синфлар учун “Истиқлол

ғунчалари”, 5-7- синфларга

“Ёш темурийлар”, 8-11-синфлар

учун эса “Ёш ватанпарварлар” фа-

олият кўрсатади. Унинг раиси син-

фдошим Феруза Жалолиддинова.

- Тўғарагингиз ўз олдида нима-

ларни мақсад қилиб қўйган?

- Бугунги кунда унга 800 дан

ортиқ ўқувчилар аъзо. Унинг бош

мақсади мактабдошларимиз онгини

турли носоглом фикрлардан

ҳимоя қилиш, ўқувчиларни ўқиш-

га, илм олишга тўла жалб этиш,

ўз Ватани, оиласи, Конституция-

сини асраш ва қадрлашдан иборат-

дир. Унинг аъзолари Ватанга му-

носиб фарзанд бўлишга тантанали

қасамёд қилишган.

Бугуннинг боласи

Тўғарагимизнинг ўз кўкрак нишони бўлиб унда

саккиз қиррали юлдузча тасвирланган.

Нишоннинг тепа қисмида қуёш нур сочиб турибди. Пастки қисмида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи акс эттирилган.

- Сиз “Ёш ватанпарварлар”да нима ишлар билан банд бўласиз?

- Маънавият ва маърифат ишларида фаолият кўрсатаман. Тадбирлар, кечалар, танловлар уюштирамиз. Ҳар ойда бир марта «Қалдирғоч» деворий газетасини чиқарамиз.

Айни кунларда Конституциямизнинг 8 йиллигига бағишлаб “Конституция-миз муқаддасдир” деб номланган тадбирга тайёргарлик кўраёلمиз. Ўқишдан бўшадик дегунча тўғарак ишлари билан банд бўламиз.

- Тўғаракка фақат аълочи ўқувчилар жалб қилинганми?

-Йўқ. Ватанпарварлар жалб қилинган. Айрим тўпалончи, ўқишлари суёт болалар унга аъзо бўлганларидан сўнг ижобий томонга ўзгараётдилар...

Ўзи аъло ўқибгина қолмай, дўстларини ҳам ортидан эргаштиролган, янгилик сари интилувчан, бугуни, эртасини аниқ кўролган Азизжоннинг сўзларини тинглаб, дилимиздан фахр-ифтиҳор туйғулар кечди: бугуннинг болалари - қадамлари шаҳдам, одимлари илдам болалар!

Сўхбатдош Феруза ОДИЛОВА.



bilim berib, ularni olim, haqiqiy odam qilib tarbiyalab bergan. Men ham yaxshi o'qisam, yaxshi inson bo'lsam deb harakat qilaman. Chunki

Men 270-maktabda o'qiyman. Chilonzordagi 270-maktabni tanimagan yo'q. Chunki, maktabimiz uzoq yillardan beri bolalarga

ustozim Muhayyo opa bizga bilimdon odamdan yomonlik kelmaydi deb ta'lim beradilar. Ammo ustozimiz ikki oy betob bo'lib, maktabga kelmay

goldilar. Natijada dars soatlari ko'pincha bekorchilik bilan o'tdi. To'g'ri, bizga turli

xil o'qituvchilar kirishdi. Ammo ko'pincha dars bo'lmadi. Qolaversa, ular ustozimizning o'rnini bosolmadi. Men ustoz dars beradigan ona tili va matematika fanini juda yaxshi ko'raman. Shu

bilan birga ingliz va rus tili darslariga yaxshi tayyorlanib borib, doim 5 baho olaman. Istagim ustozim doimo maktabimizga kelib, bizni bo'sh qoldirmasinlar. Umuman, hamma ustozlar kasal bo'lmasin.

Doston
NAZIRJONOV,
270-maktabning
3-“A” sinf o'quvchisi

БАЙРАМ МУБОРАК

1992 йил 8 декабрь мустақил юртимиз Конституцияси қабул қилинган кун. Тарих ўқитувчимизнинг айтишича, 1927 ва 1937 йилларда ҳам Конституция қабул қилинган экан, мустақилликка эришгандан кейин қабул қилинган янги Конституциямиз аввалгиларидан фарқ қилади. Бу бахтимиз Қомуси чиннакам орзу-истакларимиз, эркимиз, келажакимиз, ўз йўлимиз, ҳуқуқимизни ифода этган Қонундир. Шундай улуг байрам кунларида биз ҳамisha буюк даҳоларни ҳурмат билан тилга оламиз.

Бахтимиз учун курашган инсонларни ёд этиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Аждодларга ҳурмат - келажакка бўлган эътибордир. Биз Конституцияга амал қиламиз, юртимиз байроғини ардоқлаймиз. Конституциямиз инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни оқилона ечимини топиши ва халққа хизмат қилишини ўзи буюк бахтдир.

Тенгдошларимни, инсонни улугловчи ва унга хизмат қиладиган бош Қонунимиз қабул қилинганлигининг 8 йиллик байрами билан чин дилдан қутлайман. Юртимизда юз очган ҳар бир кун байрамларга тўла бўлсин.

Ойниса ЭШМУРОВА,
Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри,
Гагарин кўчаси, 9-уй

ДИРЕКТОРИМИЗНИНГ “БЕШКЕНТ ТАРИХИ” ДЕГАН КИТОБИ

Бешкент шаҳридаги 58-лицей интернатимизни Қашқадарё вилоятида ҳамма билади. Лицей-интернатимизда пухта билим олиш учун барча шарт-шаройтлар яратилган. Шунингдек ҳунар эгаллаш учун ҳам астойдил тиришмоқдамиз. Болаликда олинган билим тошга битилган гавҳардир? Ҳар бир фанни чуқур ўзлаштиришимизнинг яна бир сабаби лицей директори Эгамберди Эргашевнинг тинимсиз изланишларидандир. Дарсдан кейинги қўшимча машғулотлар ўз йўлига, аммо директориимизнинг яқиндагина чоп этилган “Бешкент тарихи” китоби биз учун қулай қўлланма бўлди. Ростини айтсак, биз Бешкент ўқувчилари шаҳримиз тарихини шунчалик кўп воқеаларга эга эканлигини билмас эдик. Қизиқсангиз, сиз ҳам топиб ўқиб кўринг.

Иномжон АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Қарши тумани,
Бешкент шаҳри.

БЎЛАЖАК АБИТУРИЕНТЛАРМИЗ


Азиз “Тонг юлдузи”. Сенинг саҳифангдаги “Билагон болалар диққатига” бизни бефарқ қолдирмаяпти. Яъни, кузатувчанликка, билагонликка, кўп китоб ўқишга ўргатапти..

Мен ҳам саҳифангда берилган мақолалардаги айрим хатоларга кўзим тушади. Хатоларнинг аксарияти “х” билан “ҳ” да!

Ўтган йили қариндошимиз олий ўқув юртига киролмади. Биринчи имтиҳон - диктантдан уч баҳо олди. Улар ҳам “х” билан “ҳ” нинг фарқида бормас эканлар.

Биз ўқувчилар бўлажак абитуриентлармиз. Аввало ўз тилимизни, имлоимизни яхшилаб ўрганиб олишимиз керак. Бу борада “Тонг юлдузи” бизга катта ёрдам берапти. Унинг кўмаги билан диктантларимиздаги хатолар камайган. Бунинг учун газетамизга раҳмат.

Зилола БОЗОРОВА,
Тошкент шаҳар, Мирзо
Улўбек туманидаги
Усмон Носир номли
241- мактабнинг
8- синф ўқувчиси.





ЖАМҒАРМАМИЗ ҲИСОБИДАН «ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА

Бизнинг ўз синф «фондимиз», яъни жамғарма-миз бор. Йил бошидан кимдир эллик сўм, кимдир юз сўмдан бериб бораяпмиз. Зарур вақтда ана шу пулдан ишлатамиз.

Яқинда жамғармамиз ҳисобидан синфимиз учун икки дона «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлди. Бундан ташқари, айрим синфдошларим ҳам газетага алоҳида обуна бўлдилар.

Синф раҳбаримиз, мактабимизнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Хосият опа «ўз газета ва журналингизнинг ҳар бир сонини албатта кузатиб боришингиз керак. Зеро маънавияти соғломнинг, ўйлари ҳам соғлом бўлади» дейдилар.

Искандар ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги
206- мактаб ўқувчиси.



БАХШИ БОЛАЛАР

Бундан икки йил олдин Умиднинг отаси шаҳардаги Болалар санъат мактабига етаклаб борган эди. Умидларникида ҳамма бирон мусиқа асбоби-ни чала олади ёки кўшиқ куйлайди.

Кўп ўтмай Умиднинг бинойидек рубоб чалишини кўрган синфдошлари - Умрбек билан Русланлар ҳам санъат мактабига борадиган бўлиб қолишди. Болаларнинг овозини, қизиқишларини ўрганган санъат мактаби директори уларни бахшилиқ синфида шуғулланишларини маслаҳат берди. Қисқа вақт ичида устозлари - Сувонберди бахши Матёкубов ёрдамида “Гўрўғли ва Бозирғони”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonларини ижро этдилар.

Шундан бери, мактабдаги барча тадбирлар, кечалар болаларнинг иштирокисиз ўтмайди.

Яқинда ўтказилган “Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон” кўшиқлар фестивалида ҳам улар ўзларининг ширали овозлари билан атрофдагиларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Уч ўртоқ маҳаллаларда ўтказилган кўрик-танловда ҳам ўз кўшиқларини ижро этдилар. Маҳалла кексалари болакайларни яна ва яна кўшиқ айтишларини сўрадилар ва уларга оқ фотиҳа бердилар.

Бу ёш санъатсевар бахшилар Тўрткўл туманидаги 30-мактабнинг 7- синф ўқувчилари Умид Курбониезов, Руслан Хожиев, Умрбек Шариповлардир. Уларнинг устозлари, мухлисари: “Бўладиган болалар улар. Бу ҳозирдан кўриниб турибди”, дейишяпти. Илоҳим айтганлари келсин.

Нафиса АБДУЛЛАЕВА,
Тўрткўл туманидаги 30- мактабнинг
11- синф ўқувчиси.

МЕНИНГ ОНАМ

Менинг онам Раҳима Жўраева мактабимизда немис тилидан муаллима бўлиб ишлайдилар.

Улар доимо бизга бир гапни такрорлайдилар. “Ўғлим, қилаётган ишингни ўйлаб қил, ҳеч қачон ёлгон гапирмагин, бировнинг дилини оғритмагин”... Гоҳида укам билан тортишиб қолганимизда ҳам бизни меҳр-оқибатли бўлишимизни айтадилар. Мисоллар билан тушунтирадилар. Уларнинг гапларидан сўнг мен ўз ҳаракатимдан укам олдида уялиб қоламан.

Мен онамдаги изланувчанликни, тўғрилиқни жуда қадрлайман.

Яқинда онам Германияда ўз малакаларини ошириб келдилар. Бу эса мактабимиз ўқувчиларининг тил ўрганишларига бўлган қизиқишларини янада оширди. Ҳозирги кунда онам ўзларининг тажриба ва серқирра билимлари билан ўз ўқувчилари қалбидан чуқур жой олмоқдалар. Буни мен чин дилдан англаб, шундай онам борлигидан фахрланаман.

Дониёр ТОЖИБОЕВ,
Наманган вилояти,
Мингбулоқ туманидаги
Шароф Рашидов номли
лицей-интернатнинг
8-“Б” синф ўқувчиси

БИЗ ҲАМ ҒОЛИБ, ДИРЕКТОР ҲАМ ҒОЛИБ...

Бизнинг 6-умумтаълим мактабимиз тумандаги энг катта мактаблардан биридир. Мактабимизга Моҳир педагог Расул ака Қодиров раҳбарлик қиладилар. Одоб ва таълим борасида эришилган муваффақиятларимиз боис туманда биринчилардан бўлди. Бу ғолиблик мактабимиз ўқувчилари зиммасига янада маъсулият юклади. Директориимизнинг меҳнатлари зое кетмади. Вилоятимиз ҳокими Алишер Отабоев у кишини «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирладилар.

Ҳакима НУРМАТОВА,
Фаргона вилояти,
Олтиариқ тумани 6-
умумтаълим мактабига
8-синф ўқувчиси.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДГА ҲУРМАТ

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли, баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.
Р. Тагор.



Камолитдин Беҳзод.
Ойбек Исломов ишлаган
портрет

АЖДОДЛАРИ
УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Истиқлолимиз юз очган сари халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиб, буюк алломалар-у мутафаккирларимизни янада кўпроқ таниб бораёмиш. Зеро, аждодлари улуғланган юрт - ардоқлидир. Яқингинада Абу Мансур-Мотуридий, Бурҳониддин-Марғиноний сингари буюк бобокалонларимизнинг таваллуд кунларини кенг тантана қилгандик.

Куни-кеча Юнусобод туман ҳокимлигининг ташаббуси билан буюк мусаввир Камолитдин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган "Камолитдин Беҳзод авлодлари" номли болалар ижодиёти кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада таниқли мусаввирларнинг асарлари билан бир қаторда ёш, иқтидорли, ижод-

Буюк мусаввир К.Беҳзод тахминан 1455 -1535 йилларда ҳунарманд оиласида туғилган, Хиротда яшаб, ижод этган. У ота-онасидан жуда эрта етим қолади. Унга Мирак-наққош устозлик қилади. Ўша пайтнинг машҳур наққоши Пир Саид Аҳмад Табризийдан мусаввирлик сирларини ўрганади. Ўз ижодида Озарбайжон, Хуросон, Бухоро мусаввирлик санъати мактабларининг анъаналари ва ютуқларидан фойдаланади.

Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий мураббийлигидан баҳраманд бўлади. Натижада буюк мусаввир бўлиб танилади. Беҳзоднинг илк асари Шайх Саъдийнинг "Бўстон"-ига ишлаган миннатурасидир.

Беҳзод яратган композициялар ўз даврида яшаган буюк инсонлар қиёфасини ёритиб берди. "Алишер Навоий", "Султон Хусайн Бойқаро" ва бошқа машҳур инсонларнинг портретлари ўлмас асарлар жумласидандир.

Беҳзод асарларини бугунга келиб дунё тан олмоқда. Англия, Туркия, Италия каби давлатларда Беҳзоднинг ўлмас асарлари сақланмоқда.

кор болаларнинг асарлари ҳам намойиш этилди.

ОЙБЕКНИНГ
КЎРҒАЗМАСИ

Юнусобод туманидаги "Оналик ва болалик" марказида "Камолитдин Беҳзод авлодлари" ижодкор болалар маскани бор. Бу ерда тасвирий санъатдан ташқари тўқувчилик, тикувчилик, наққошлик, зардўзлик, Шарқ миннатураси санъати ҳам ўқувчиларга ўргатиб борилмоқда.

Кўрғазмада бир-биридан қолишмайдиган ижодкор болаларнинг ишларини кўриб, дилдан яйрайсиз ва Алишер Навоий бобомизнинг

**Йигитликда йиғилмнинг мағзини
Қарилик чоғи ҳарж қилгил ани,
мисраларини беихтиёр ёдга оласиз.**

Тенгдошингиз Ойбек Исломов ҳам ана шу кўрғазмада ўз асарлари

билан иштирок этди. У ўтган йили Деҳлида ўтказилган "Шанкар-99" Халқаро кўрғазмада қатнашиб, "Тўй бола" асари учун "Жавоҳарлал Неру" номли "Олтин медал"-



Ойбек Исломовга «Жавоҳарлал Неру» номидаги Олтин медалнинг топширилиши.

ни ҳам қўлга киритган экан.

Донишманддан сўрабдилар:

- **Энг ақлли одам ким?**

Донишманд жавоб берибди:

- **Кўп нарсани билиб кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб билимдонлик қилмаган одам энг ақл-**

Ўш шаҳридаги 39-ўрта мактабда бетакрор шоир Шавкат РАҲМОН ижодига бағишланган "Умрим узайгани муборақ бўлсин!" номли адабий кеча бўлиб ўтди. Адабий кечада Умарали Норматов, Раҳмон Кўчқор, Ёқубжон Хўжамберди, Мирпўлат Мирзо, Мусулмон Намоз, Анвар Қори, Набижон Боқий каби таниқли қаламкашлар ва шоирнинг оила аъзолари иштирок этдилар. Дастлаб, мактаб ўқувчилари шоир ҳаётининг саҳналаштирилган парчаларини намойиш этдилар, сўнг бир қатор шеърларини ўқиб бердилар.

Болалар тобора ўсар серзарда, димоқларни ёрган

ҳаволарга мос.

Каттароқ очилсин

барча дераза,

шамолллатиш керак

дунёни бир оз...

Профессор Умарали Норматов кеча қатнашчиларига шоир Шавкат Раҳмоннинг ХХ аср ўзбек адабиётида тутган муҳим ўрни тўғрисида сўзлаб

берди.

"Ҳайрат" кўрсатувиининг доимий муаллифи Раҳмон Кўчқор эса ўз сўзида бундай деди:

-Биз нима учун Шавкат Раҳмон ижодини ўрганишимиз керак? Нима учун шоирнинг шеърларини ўқишимиз лозим?... Шу бугун Шавкат Раҳмон таваллудининг 50 йиллиги баҳонасида Тошкентдан келиб, сизлар би-

риятдан қандай яшашни ўрганамиш, собитликни ўрганамиш, инсон шаънига гард юқтирмасдан яшаш қанақа бўлишини ўрганамиш. Демак, шоир бундан кейин бизнинг эътиқодимизда яшайди, унинг руҳи биз билан яшайди...

Истеъдодли адабиётшу-

**"УМРИМ УЗАЙГАНИ
МУБОРАҚ БЎЛСИН!"**

л а н

учрашиб тургани-

миздан муддао нима?... Эҳтимол, кимлардир бу нарсалар Шавкат Раҳмонга керак, деб ўйлаётгандир? Кечирасиз, энди Шавкат Раҳмонга бу нарсаларнинг асло кераги йўқ. У оламдан ўтган, илойим, охирати обод бўлсин, марҳум акамизни худо раҳмат қилсин!.. Шавкат Раҳмон шеърляти энди биз тирикларга керак! Биз Шавкат Раҳмон шеър-

сўзлари йиғилиш аҳлини ларзага солиб юборди: шоирнинг оила аъзолари, яқинлари товуш чиқармасдан юм-юм йиғилай бошладилар. Шунда аранг ўпканини босиб турган, кўзларида ёш айланаётган Раҳмон ака яна сўзларини давом эттирди:

-Шавкат Раҳмон номини йиғлаб эсламаслик керак, Шавкат Раҳмон бизга матонатли ҳаёт кечириш қанақа бўлишини кўрсатиб кетди, биз кўз ёшларимизни ичимизга ютиб яшашни ўргани-

ли ҳисобланади.

Ойбек ғолибликни қўлга киритса-да, гурурланиш нималигини билмайдиган камтаргина бола экан. Унинг асарлари хорижлик меҳмонлар диққатини ҳам тортгани кўп изланиб, интилиб, ижодга шўнгиганидан далолат беради. Шу кунларда Ойбек ўз шахсий кўрғазмасига тайёргарлик кўрмоқда. Унинг кўрғазмаси ўзига хос воқеа бўлади, деб ўйлаймиз.

ТИЛЛА ТОВОҚЛАРДА
САҚЛАНАЁТГАН
ХАЗИНАЛАР

Қандай хазиналар экан-ки, тилла товоқларда сақланаётган бўлса, деб ўйлаётгандирсиз?

Кўрғазмада иштирок этганлар Ўзбекистон бадиий академияси "Ахборот" ва Маркетинг бошқармасининг бошлиғи Шарофатхон опа Қамбарованинг ҳикояларини тинглаб, ҳаммасини билиб олдилар.

Олимамиз жаҳонга донғи кетган буюк алломаларимизнинг дурдона асарлари ҳақида тўлқинланиб гапириб, улар чиндан-да, тилла товоқларда сақланишга арзийди, -дедилар.

Тадбир сабаб, Камолитдин Беҳзод ижодига яна бир назар солдик, мусаввирнинг ҳаёт йўлини ёдга олдик, қолдирган сара асарларини хотирладик. Шояд, Беҳзод руҳи шод бўлиб, Ойбек сингари издошларини қўллаб-қувватлаб юрса...

Маъмура МАДРАҲИМОВА.



шимиз керак...

Адабий кеча сўнгида Ўш шаҳридаги 39-ўрта мактабга шоир Шавкат Раҳмоннинг номи берилиши тўғрисида маъмуриятга мурожаат этилганини мактаб директори Муҳаббат опа тўлқинланиб эълон қилди.

Меҳмонлар шоир алоҳида меҳр билан қуйлаган Сулаймон тоғ зиёратига бордилар ва беихтиёр ўлмас сатрларни ёдга олдилар:

Диёнатли, орли аждодлар
Бу баҳайбатли тошлар тагида.
Бирор лаҳза ҳаёл сурмаган
Соҳта шуҳрат, таъма ҳақида...

ГУЛРУХ

Бир йўл атрофида айланар дунё

ХАРТУМ

Суданда президентликка номзодларни рўйхатга олиш якунланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Абдулмунайин ан-Нахоснинг айтишича, сайловда 5 та номзод иштирок этади. Улар орасида мамлакатнинг амалдаги раҳбари Умар ал-Башир ҳамда собиқ президент Жафар Муҳаммад Нимейрий ҳам бор.

НЬЮ-ЙОРК. ОЧАРЧИЛИК ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ

Нью-Йоркдаги Авлиё Патрик қабристониди, 1932-33 йилларда Украинадаги очарчилик қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросим 3 йилдан бери ўтказилиб келинмоқда. Маросимларнинг барчасини шу ердаги - маҳаллий украин жамоаси ташкиллаштирмоқда. Маросимда украиналик дипломатлар, АҚШда яшовчи украиналиклар ва Нью-Йорк аҳолиси қатнашди.

Эслатиб ўтиш жоизки, асримизнинг 30 йиллари бошида, Украинадаги очарчилик 8 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлган.

ВАШИНГТОН

АҚШ йигирма биринчи асрда фақат ҳавфсизликни эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам кўпроқ эътибор қаратиши лозим, деди АҚШ давлати котиби Мадлен Олбрайт. "Аёллар - ташқи сиёсатда" мавзuida ўтказилган анжуманда, йигирма биринчи асрда АҚШ олдида турган муаммолар муҳокама қилинди. Унинг айтишича, келаси асрда барча давлатлар, шу жумладан, АҚШ ҳам асосий эътиборини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тобора кенг қулоқ ёзаётган ОИТС балосини бартараф этишга қаратмоғи зарур. Шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, нарқобизнесга қарши кураш, аёллар ҳуқуқи масалалари тўғрисида ҳам қарорлар қабул қилиниш арафасида турибди.



ҲАЗО

Фаластин маъмурияти халқаро ҳамжамиятидан Исроил зўравонлигидан ҳимояланишда ёрдам сўради. Муҳторият мусулмон давлатлари, БМТ, Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия, Япония ва Хитойни Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнида янада фаолроқ иштирок этишга чақиради, деб таъкидланган Фаластин миллий маъмурияти баёнотида.

Хабарларга қараганда, Исроил жановар самолётлари охири етти кун ичида Ҳазадаги маъмурий биноларга кетма-кет ракета зарбаларини берган. Кузатувчилар Фаластин раҳбарларининг ёрдам сўрашига айнан шу воқеа сабаб бўлганлигини таъкидлашмоқда.

Исроилнинг Ҳазадаги иншоотларига берган ракета зарбасига Фаластин ҳам муносиб жавоб қайтаради, деди Фаластин маъмурияти вакили Ҳасан Асфур. Унинг айтишича, Қуддус ҳамда Тел-Авив шаҳарлари унчалик ҳам узоқда эмас ва Исроилнинг зарбаси яҳудийларга анчагина қимматга тушади.

Исроилнинг ракета ҳужумлари оқибатида 13 та фаластинлик ўлган ва 120 га яқин одам жароҳатланган.

ТОКИО. ЯПОНИЯДА ҲУҚМРОН ПАРТИЯ ИНҚИРОЗГА УЧРАМОҚДА

Япония парламенти яқин кунларда ишончсизлик ва норозилик вотумини ўтказиш учун қарор қабул қилди. Ушбу ишончсизликни билдирувчи ташаббус, Япония бош вазир Иосиро Мори раҳбарлик қилаётган ва ҳозирда мамлакатда ҳуқмрон ҳисобланган Либерал-демократик партиянинг фаолиятига нуқта қўйишга қаратилган. Бундай норозилик ҳаракатини катталиги ва салоҳияти бўйича Японияда иккинчи ўринда турувчи партиянинг икки вакили бошлаб берди. Икковлари ҳам вазир уринбосарларидир. Мазкур партиянинг етакчиси Коичи Катодир. Като бош вазир Иосиро Морининг асосий рақиби ҳисобланади. Икки кишидан иборат вазир уринбосарлари айнан норозилик, ишончсизлик вотумида фаол қатнашиш учун истеъфога чиққанлар. Иосиро Морининг ўзи эса ҳали бери ўз ўрнини муҳолифат томонига бўшатмаслигини таъкидлади.

МАДРИД. ЭТА ГУРУҲИ ЎЗ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТАН ОЛДИ

Испанияда Басклар вилоятидан чиққан ЭТА айирмачи гуруҳи 17 та террористик ҳаракатни айнан шу гуруҳ аъзолари уюштириб, кўпуровчиликларни бевосита ўзлари амалга оширганликларини тан олдилар. Мазкур 17 та террористик ҳаракатнинг барчаси шу йил, июль ойининг охиридан то шу кунга қадар Испанияда содир этилган. Ушбу террористик ҳаракатлар натижасида 8 киши қурбон бўлган ва ўнлаб одамлар жароҳат олганлар. Жиноятларини тан олиш ҳақидаги эълон Баск вилоятида чиқадиған газеталарнинг бирида чоп этилган.

ЭТА айирмачи гуруҳининг асосий мақсади - Баск вилоятини Испаниядан ажратган ҳолда, мустақил вилоятга айлантиришдир.

Лекин афсуски, ЭТА ташкилоти мустақилликка террор орқали эришмоқчи. Ваҳоланки, ҳеч бир мамлакатда терроризм билан яхшиликка ва ижобий натижага эришиб бўлмайди. Терроризм - бутун дунёда жаҳолат ва разолатнинг бир кўриниши ҳисобланади.

КИСАНГАНИ

Конго демократик республикасининг шимоли-шарқда иккита исёнчи гуруҳ-демократия учун бирдамлик ҳамда Конго озодлик ҳаракати ўртасида кескин урушлар бошланиб кетди. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, бу икки гуруҳ олтин ва олмос конларини талашишяпти.

БЕЛГРАД

Югославия ҳукумати Словения билан дипломатик алоқа ўртнатишга қарор қилди. Словения ташқи ишлар вазирлиги расмий Белграднинг мазкур қарорини маъқуллаб, уни икки мамлакат ўртасидаги муносабатларининг яхшиланишига қўйилган биринчи қадам сифатида баҳолади.

Словения Югославия таркибидан ажралиб чиққан давлатлардан бирidir. Бу воқеа 1991 йилда юз берган бўлса-да, ханузгача улар ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилмаган эди.

НЬЮ-ЙОРК

БМТ бош котиби Кофи Аннан Исроил ҳамда Фаластиннинг халқаро ташкилотдаги вакиллари билан музокара ўтказди. Бош котибнинг расмий вакили Фред Эххарднинг билдиришича, музокарада асосан, Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларга халқаро тинчлик кучларини киритиш ҳамда Яқин Шарқдаги кескин вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

ЖАКАРТА

Индонезия ҳукумати мамлакатнинг Ачех ҳамда Ириан-Жая вилоятларига мустақиллик бериш гоясини мутлақо инкор этди. Мамлакатнинг сиёсат ва ҳавфсизлик масалалари билан шугулланувчи вазирлик раҳбари Сусило Бамбанг шуни маълум қилди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, мазкур вилоятлардаги айирмачи гуруҳларнинг раҳбарлари жорий йилнинг биринчи декабрида, Ириан-Жая, тўртинчи декабрида эса Ачех мустақиллигини эълон қилишни режалаштирган эди.

МЕХИКО

Гватемала ва Венесуэла президентлари Алфонсо Портилио ва Уго Чавес Перу президенти Алберто Фухиморининг муддатдан олдин истеъфога чиқиши ҳақидаги қарорини мақбул иш, деб ҳисоблайди. Венесуэла раҳбарининг Гватемалага ташрифи натижаларига бағишланган матбуот анжуманида А.Портилио ҳамда У.Чавес икки давлат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида бир қанча ҳужжатларга имзо чекдилар. Икки президент ҳам А.Фухиморининг истеъфоси Перу давлатига инқироздан чиқиш йўллари очиб беради, деб ҳисобламоқдалар.

КОЛОМБО

Шри-Ланка қуролли кучларининг мамлакат шимолидаги Жафна яриморлида тамил айирмачиларига қарши амалга оширган операцияси натижасида 25 та жангари ўлдирилди ва 70 дан ортиги ярадор қилинди. Мамлакат муҳофаа вазирлигининг расмий вакили Санатх Карунатненинг маълум қилишича, операция Шри-Ланка ҳукуматининг қарорига мувофиқ амалга оширилган. "Тамил Илама озодлиги йўлбарслари" 17 йилдан бери давом этиб келаётган этник ихтилофларни тугатиш учун тинчлик музокараларига тайёр эканликларини маълум қилганига қарамай, Шри-Ланка ҳукумати айирмачиларни йўқ қилиш операциясини ҳамон давом эттириб келмоқда.

ТЕЛ-АВИВ

Ҳаза минтақасида Фаластиндаги экстремистик гуруҳлардан бирининг икки вакили отиб ўлдирилди. Исроил томонининг маълумотида қараганда, улар яҳудийлар яшаётган Кфар-Дар ва Харцит қишлоқларидаги иншоотларга портловчи мослама ўрнатаётган вақтларида йўқ қилинган.

Шоҳруҳбек
КАРИМБЕКОВ
тайёрлади

Сизда ҳам ҳамма қизларда бўлгани каби бир пинҳоний орзуингиз бор. Сиз ҳам ҳамма дугоналарингиз каби бировларни шайдо этишни, ўзгаларнинг бир умр ўзингизга мафтун бўлиб юришини хоҳлайсиз. Айтиш керакки, табиат сизга шунга яраша асос ҳам берган. Қизларнинг гулга қиёс қилиниши бежиз эмас. “Қиз бола уйнинг гули, элнинг кўрки”, дейди халқимиз. Бу иборага не маъно, не умид жо қилингани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Умид - инсоннинг келажак билан боғлиқ риштаси. Сизни болаликдан “Онам!”, “Она қизим!”, “Ойим!” деб эр-калагувчилар келажакда сизнинг тимсолингизда

алардек улуг сифатли ва фазилатли, элнинг кўрки бўладиган аёлларни кўриш умидидадир.

Тўғри, худо сизни гул қилиб яратган. Лекин кўркни бир умр ўзингиз кашф қилиб, ўзингизда мужассам қилиб борасиз. Минг шукурки, андоза оладиганларингиз кўп.

Беҳзодлар, Чингиз Аҳмаровлар чизган ўзбек аёллари суратларига узоқ-узоқ ҳавас билан қарашингиз, қай бир чизгиларидан ўзингизга ўхшашликни ахтаришингиз сир эмас. Кўзингизнинг қувнашига, қалбингизнинг оловланишига арзигулик санамлар-а!

Навоий, Саъдий, Қодирийлар сийратини тасвирлаган битикларни тун билан мижжа қоқмай ўқишингиз, улардаги кўп фазилатларни ўзингизга юктиришга интилишингиз ҳам сир эмас. Орзу-ҳавасингизга барака! Негаки руҳингиз улардан қувват олади, ул санамлар авлодининг давомчилари эканингиздан кўнглингиз тоғ-

Агар ўқувчилар махсус жиҳозланган жойда ишласалар, дарсларни тайёрлаш муваффақиятли ва тез боради. Қалди-қоматни бузмаслик учун, машғулот вақтида гавданинг ҳолатини кузатиш керак. Агар бош доимо паст тушган ва ён томонга қийшайган бўлса, чап кўлнинг тирсағи столдан осилиб турса, чап елка ўнг елкадан паст тушиб туради, умуртқа поғонаси эса чап томонга қийшайди, сколиоз (умуртқа қийшайиши) ривожланади.

Китобни шундай ушлаш керакки, унда ўқиган вақтда, ҳар қайси бетнинг юқоридаги ва пастги қаторидан кўзгача бўлган оралиқ бир хил бўлсин. Ёруғлик албатта чап томондан тушиши керак; ҳамма ялтироқ нарсаларни столдан олиб қўйиш керак. Агар стол юзаси нурсиз (жилосиз) бўлса, кўз чарчамайди ва иш қобилияти узоқ вақт сақланади. Яхшиси, абажур кўздан равшан ёритувчи ипни (симни) яшириб турса, ёруғлик манбаи эса фақат иш юзасини ёритади. Чала ёруғда ўқиш ярамайди, хусусан майда ҳарфни ётиб ўқиш жуда зарарли, чунки бу вақтда кўз мускуллари айниқса чарчайди. Нормал кўришда китобдан кўзгача бўлган оралиқ 35-40 см бўлиши керак. Транспортнинг ҳар қандай турида китобнинг тебраниши кўзни чарчатади ва кўриш кучсизланади. Яқинни кўришнинг олдини олиш учун, ҳар 20-30 минут ўқигандан кейин дам олиш ва бунда узоққа қараш керак.

МАФТУН ЭТАЙ ДЕСАНГИЗ...

(Чилозор туманидаги 164-мактаб юқори синф қизлари билан суҳбат)

дек кўтарилади.

Ҳар бир аёлда ҳам ерлилик, ҳам самовийлик мавжуд дейишади. Бу гап рост бўлса керакки, юртимизда ҳар икки қўлнинг бири шеър машқ қилади. Самовийлигимиз ана шу шоир та-

биатимиздан, аждодларимиз ва замондошларимизнинг насру-назмидан қувват олади. Негаки, бу на-

сру-назмлар кўнглини тозартиради, кишининг томирини тўлғизиб умидли яшашга, ҳаётга тўғри қарашга ўргатади.

Ҳаётга тўғри қараган одам ҳамма вақт машаққатларни енгиб ўтишга интилади. Ҳаётга тўғри қараш айнан сизнинг ёшингизда қарор топади.

Ҳаётга тўғри қараш ўзлигини англаб етишдан бошланади.

Ўзини англаб етмаган, ўзлигини топмаган, ўзига ҳолис баҳо бериб, ўзи ҳақида ҳукм чиқаришни ўрганмаган одам бошқаларни қандай англасин? Қандай билсин? Қандай танисин?

Бошқаларга қандай эргашиш?

Сиз - кимсиз ўзи?

Ҳаётда мақбуллар сирасига кирасизми ёки номақбуллар?

Сизда ерлилик кўпми ёки самовийлик?

Инсоннинг моҳияти унинг хоҳишларида акс этади, дейишади.

Сиз нимани хоҳлайсиз? Биринчи хоҳишингиз қорнингизнинг тўқ, эгингизнинг бут бўлиши, албатта! Бу бир сизнинггина эмас, инсон зоти борки - илк табиий талаби шу!

Иккинчи талабингиз нима? Қимматбаҳо кўйлак, зеб-зийнатми ёки яхши китоб? Қаршингизда уларнинг ҳаммаси муҳайё бўлса-ю, фақат

Ўқиётганда ручкани (шарик) перо учидан 4-5 см юқоридан ушлаш лозим. Тинимсиз ёзишда йўл қўйиладиган давомийлик 7-10 ёшда 10 дақиқа, 10-12 ёшда - 15 дақиқа, 12-15 ёшда - 20 дақиқа,

15 - 18

ёшда - 25-30

дақиқа. Ўқиш ва ёд олишдаги ҳолат ёзаётгандагига қараганда бирмунча эркин бўлиши керак, аммо столга ёнлама ўтириб, ўз тагига оёқни қўйиб, эгилиб ўтириш зарарли.

Дарс тайёрлаётганда столда кам ҳаракат қилиб ёки деярли ҳаракатсиз ҳолатда бўлиш қонни ва бош мияни кислород билан таъминлашини ёмонлаштиради, чунки бу вақтда умуртқа поғонаси олдинга ва чапга эгилган бўлади, қовурғаларнинг ҳаракатчанлиги чекланади, нафас олаётганда ҳаво кам ютилади, ўпка, айниқса, чап ўпка сиқилади, юрак иши учун қийинчилик туғилади. Узоқ вақт бир хил иш бажариш аста-секин нерв системасини тормозлайди (уйқучанлик, этиборнинг сусайиши). Узоқ вақт диққат билан қараш кўзни чарчатади

бирини танлашингиз керак бўлса, қўлингизни қай бири томон узатасиз?

Қўлларингизга кўрсатмани қалбингиз, руҳингиз, юрагингиз беради. Унинг оч ёки тўқлиги қай даражада?

Умуман, ҳаётда кўпроқ олиш истагингиз кучлими ёки ҳаётга бериш? Кўрдингизми? Ақлингизни таниб борганингиз сари бир дунё саволлар кўндаланг бўлаверади. Сиз ўйлашни, фикр юритишни ўрганиб бораверасиз. Ўзингиз ҳам сезмаганингиз ҳолда билимингизни ошириш, мулоҳаза юритиш ҳаётини заруратга айланиб бораверади. Яна атрофдагилар билан муомала, муносабат ҳам сизнинг ўзингизни англашингизга ёрдам беради.

Одамлар орасидагина ўзингизни кашф қила, топа борасиз. Ҳаётга

тўғри қарашнинг энг муҳим шартларидан бири ана шу муомала, муносабатни билиш, ўрганиш, энг яхшиларини ўзингизга юктиришдир.

Ҳаётда аёл киши яхши олим бўлиши шарт эмасдир, аммо яхши одам бўлиши шарт. “Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал”, - дейди доғишмандлар. Аёл киши дунёга келганидан то кетгунигача қадар хайрли иш қилишга даъват этилган. Шунинг учун ким, қайси касб ёки мартаба эгаси бўлишидан қатъий назар, у ҳаётдан изсиз кетмайди.

Яна кичиклигингиздан сизга-ю дугоналарингизга, умуман қиз отлиқ мўъжизага “уйнинг гули” деб келинганини айтдик. Гул... Гунча...Бу тушунчалар кишининг эстетик завқи, шайдолиги ва ҳоказо туйғулари билан боғлиқ. Сиз “гунча”, “гул”, бўлиб ўйингиздагиларнинг кўзини қувнатиб келгансиз. Олдингизда эса... Олдингизда атрофингиздагиларни бир умр мафтун этиш вазифаси турибди. Бу ҳам аёл аталмиш мўъжизанинг пешонасига битилган. Мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги бўлиши керак. Англаяпсизми, қизим? Кишилар тан

ва иш қобилиятини пасайтиради. Ҳар 40-45 дақиқадан кейин иш қобилиятини ошириш учун кичикроқ танаффус қилинади, танаффус вақтида бир неча жисмоний машқлар бажариш мумкин: танани энгаштириш, қўлларни ёйиб кўтариш ва тушириш, томонларга

кериш, бошни айлантириш, елкани кўтариш ва тушириш, уларни айланма ҳаракатлантириш, ўтириб-туриш ва ҳоказо. Ўпкалар ҳавосини янгилаш учун бир неча марта чуқур нафас олиш ва чиқариш ҳамда бир оз рақс тушиш фойдали.

Танаффус вақтида ўтказиладиган жисмоний машқлар иш қобилиятини тиклаш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда муҳим роль ўйнайди. Нерв импульслари ишлаётган мускуллардан марказий



гўзаллигига шайдо бўладилар. Қалб гўзаллиги эса кишини мафтун этди. Бошқаларни мафтун этишни, қалб гўзаллигини меҳнатсевар асалари каби узоқ ва заррама-зарра йиғасиз. Нектар олиш манбаларингиз ҳам антиқа: онангиз, бувингиз, келинойингиз, ҳаётнинг ўзи, китоблар, санъат асарлари, томошалар, орзу-ҳавас, муҳаббат, оналик ва яна кўп нарсалар...

Мафтун этиш сирларидан яна бири ҳаётга қиз бола бўлиб келганингиздан оғиринмаслик, аксинча қувона билишда, аёллик қисматини шараф деб қабул қила олишда, ҳар назар, ҳар одимда ўзингизни олдинга ундайдиган шодлик кўра билишда, бировларни ҳам шодлантира билишда. Бир сўз билан айтганда ерда ту-

риб, самовий бўлиб қола билишда! Буларнинг ҳаммаси меҳнат, заҳмат албатта. Аммо мукофоти катта - шай-

долик, тан гўзаллигига шайдолик тез ўтиб кетса, қалби гўзал аёлга бир умр мафтун бўладилар, чироққа интилгандек, унга интилаверади.

Шунинг учун ҳам, бировларни мафтун қилиб юрай десангиз, қалбингизни муттасил озиқлантириб боришингиз, уни ҳеч бир сония оч қолдирмаслигингиз керак. Қорин оч қолса, уни туйғазгач, оч вақтингиз тез унут бўлар. Қалб очикқандаги узилишни тўлғазиш қийин. Унинг асорати кўпга кетади, одамларнинг сизга мафтунқорлиги пасаяди, бора-бора йўқолади.

Суҳбат давомида анчагина тест монанд саволлар бердик. Қалб тўлғазиб турилса, уларнинг кўпига жавоб ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ишончим комил, бу тестдан, ҳат тестидан энг юқори балл билан ўтасиз. Хусусан, ўзингизнинг мақбуллар сирасига киришингизни, сизда самовийлик кўплигини, қўлингиз биринчи зеб-зийнатга эмас, китобга узатилишини биласиз. Булар сиз учун ҳаётини заруратга айланади-да.

Илоҳим, бир умр бошқаларни мафтун қилиб юрадиган гўзал қалбли қиз бўлинг!

Раҳима ШОМАНСУРОВА

нерв системасига келади ва чарчоқни актив равишда кетказади. Бундан ташқари, жисмоний машқлар юрак, ўпка фаолиятини кучайтиради ва мияни кислород билан таъминлашга ёрдам беради. Хонани шамоллатиш, таркибида карбонат ангидрид кўп бўлган ҳавони ташқаридан кирган бирмунча тоза ҳаво билан алмашинувини кучайтиради. 1-2 дақиқа давомида катта очилган ойна ёки балкон эшиги, узоқ вақт бир оз қия очик турган ойна ёки фрамугага нисбатан бинони яхши шамоллатади ва кам совитади.

САОДАТ тайёрлади

УЙ ВАЗИФАЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИШ КЕРАК?



Bizni o'rab turgan butun moddiy dunyo, shuningdek, yerdan tashqarida bo'lgan kosmik fazo, sayyoralar va yulduzlar Koinotni tashkil qiladi. O'z hayoti davomida turli shakllarga kiradigan materiyaning boshi ham, adog'i

KOINOT

ham yo'q. Ko'pchilik munajjimlar, koinot bundan 15 000 mlrd. yil muqaddam sodir bo'lgan kuchli portlash natijasida vujudga kelgan, deb hisoblaydi. Olimlar "Katta Zarba" deb ataydigan bu kuchli portlash qaynoq gazlarni turli tomonlarga haydab yubordi va nihoyat, o'sha gazlardan galaktikalar, yulduzlar va sayyoralar tashkil topdi.

Koinotning chek-chegarasi bo'lmasa kerak. Boz ustiga, u tobora kengaymoqda, ya'ni uni tashkil etuvchi galaktikalar, yulduzlar va

quyosh sistemalari o'z o'rnini o'zgartirib, barcha yo'nalishlar bo'yicha markazdan uzoqlashib bormoqda. Hatto eng zamonaviy astronomik vositalarining ham butun Koinotni qamrab olishga kuchi yetmaydi. Vaholanki, ular bizdan 2 milliard yorug'lik yili uzoqligida bo'lgan yulduzlar nurini ham ilg'ash quvvatiga ega. Balkim, o'sha yulduzlar nurini ham ilg'ash quvvatiga ega. Balkim, o'sh yulduzlar so'nib ketgan bo'lishi mumkin, lekin teleskop ularni ko'radi (sababi, ularning shu'asi Yerga yetib kelgunga qadar milliardlab yillar o'tadi).

Koinotning kattaligi

qancha? U shu darajada kattaki, munajjimlarning ko'lamini yorug'lik yillari bilan o'lchashga majbur bo'lishadi. Yorug'lik yili yorug'lik bir yil davomida bosib o'tadigan masofani anglatadi. Yorug'lik sekundiga 300 000 (186 000 mil) kilometr tezlik bilan harakat qiladi. Shunga asosan, bir yorug'lik yili 9 500 000 mln. km. ga teng.

Odamzod Koinotning haqiqiy o'lchamlarini tasavvur qilishi qiyin. Biz uning nechog'li katta ekanini bilmaymiz, binobarin, qanchalik masofaga cho'zilib ketganini tasavvur qilishimiz ham qiyin.

Agar biz Yerdan uzoqlasha boshlasak, buning sababini anglab yetamiz. Yer-Quyosh sistemasining kichik bir zarrasi. Quyosh sistemasiga uning atrofida aylanadigan sayyoralar, kichik sayyoralardan iborat asteroidlar va meteorlar kiradi.

Bizning butun Quyosh sistemamiz o'z navbatida "galaktika" deb ataluvchi boshqa bir katta sistemaning kichik qismidir. Galaktika million-mil yulduzlardan tashkil topgan bo'lib, o'sha yulduzlarning ko'pchiligi bizning Quyoshimizdan ancha kattadir va o'z quyosh sistemalariga ega.

Shunday qilib, biz Somon yo'li deb ataydigan va

KOINOT CHEKSIZMI?

kechalari kuzatadigan galaktikadagi yulduzlarning barchasi "quyoshlar"dir. Ularning o'rtasidagi masofa kilometr bilan emas, yorug'lik yillari bilan o'lchanadi. Yorug'lik bir yil davomida 9 500 000 000 000 km masofani bosib o'tadi. Bizga eng yaqin va yorqin yulduz bo'lmish Sentavr Alfasi Yerdan 46 000 000 000 000 km uzoqlikda

joylashgan. O'z navbatida bizning galaktikamiz ham undan-da kattaroq sistemaning kichik bir bo'lagidir.

Bundan boshqa yana millionlab galaktikalar mavjud bo'lib, ulardan eng yaqini bilan bizning galaktikamiz o'rtasidagi masofa esa trillionlab yorug'lik yillariga tengdir. Bularning barchasi bizga ma'lum bo'lgan Koinotning faqat bir bo'lagidir. Haqiqatda esa uning o'lchamlari bundan ham katta bo'lishi mumkin!

Munajjimlarning fikri ham shunday. Asosiy muammo Koinotning aynan qanchalik katta ekanini bilishdadir.

Olimlar bu savolga javob topishga harakat qilganda,

fazoning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olishlariga to'g'ri keladi. Zamonaviy nazariyalarga ko'ra, fazo o'z atrofida egila boradi. Buning ma'nosi shuki, fazoning "tashqarisi"ga chiqish mumkin emas, chunki siz ma'lum bir chiziqli bo'ylab oldinga qanchalik harakat qilmang, u baribir egilib, fazo "ichida" qolib ketaveradi.

Uning qanday yuz berishini quyidagi misol yordamida tushuntirish mumkin. Moskvadan Vladivostokka ma'lum bir balandlikda uchayotgan samolyot Yerning egik yuzasini takrorlovchi yoy shaklini hosil qiladi. Agar u to'g'ri chiziqli bo'ylab uchganda edi, manzilga yetadigan masofani bosib o'tganida bir necha ming kilometr balandlikka chiqib ketgan bo'lardi.

Munajjimlarning fikricha, fazodagi har qanday harakat huddi shu holatda sodir bo'ladi, yagona farqi shundaki, fazoning egilishi o'ta murakkab hodisadir. Uni biror surat yoki mod yordamida tasvirlab bo'lmaydi, faqat oliy matematika qonunlari yordamida hisoblab chiqish mumkin.

Yaqinda shahrimizning Qoraqamish dahasida joylashgan "Qariyalar uyi"da bo'ldim. U yer shinamgina, xonalari toza-ozoda, shart-sharoitlari yetarli. Har bir qariyaga alohida xona ajratilgan. Qariyalar uyi xodimlari

shifoxonalarga yotqizishibdi. Barcha qariyalar har kuni kelib, ayaning holidan xabar olishibdi. Shularning orasida Avaz ota ham bo'lib, u kishi ertayu-kech ayaning yonlarida qarab o'tiraveribdilar. Zerikib qolmasin deb qiziqarli

aya indamasdan chiqib ketib, shu yerga kelibdilar.

Avaz ota uzoq Surxondaryo viloyatidan ekanlar. To'qqizta farzandlari bor ekan. Kampirlari vafot etib yolg'iz qolibdilar. Farzandlari hafa qilishibdi. Arazlab

HAR NARSA BISYOR, LEKIN MEHRGA ZOR.

ularga juda yaxshi qarasharkan. Vaqtida issiq-sovuqlaridan, kiyimlaridan xabardor bo'lishib, xuddi o'zlarining ot-onalaridek asrab-avaylab mehribonchilik qilisharkan. Ruhlari tetik, sog'liqlari, kayfiyatlari yaxshi bo'lishi uchun barcha qulayliklar bor: oshxona, mehmonxona, dam olish xonalari, televizor, radio, katta bog', o'zlarining shifoxonalari, xullas hech narsadan kamchiliklari yo'q.

Qariyalar o'z xonalarida xonaki gullarni o'stirishni sevisharkan. Ular o'stirgan chiroylik gullarni ko'rib xavasim keldi. Yana-chi, ular tez-tez shaharning ko'rkam joylariga, tog'larga sayohatlarga chiqisharkan. Ayniqsa olma terishga borishni yaxshi ko'risharkan.

Yaqinda bu dargohda quvonchli voqea bo'lib o'tibdi. 82 yoshli Hadicha aya Lamchekova Avaz ota Yoqubovlar bilan turmush qurishibdi. Tanishishlari ham juda qiziq bo'lgan ekan. Bir kuni Hadicha aya kasallanib qolibdilar. Ularni o'zlarining

narsalar haqida gapirib, kitob, gazetalar o'qib berib turibdilar.

Xullas, ikkalasi do'stlashib qolishibdi. Hadicha aya tuzalib, o'z xonasiga qaytgach qariyalay uyida rosmama to'y tantanalari boshlanib ketibdi.

Mana shunga ham uch yil bo'libdi. Hadicha aya va Avaz otalar haqiqatan ham baxtli ekanlar.

Qariyalar uyida yashayotganlardan ko'plarining farzandlari, qarindosh-urug'lari yo'q ekan. Lekin farzandlari, qarindosh-urug'lari bo'lib, ulardan arazlab kelganlar ham bor ekan.

Men Hadicha aya va Avaz otadan "Farzandlari borlar nega bu yerda yashayaptilar", -deb so'rasam, ko'ngillari og'rib o'zlari haqida quyidagilarni gapirib berishdi.

Hadicha ayaning o'g'illari va kelinlari bor ekan. Bir kuni aya kasal bo'lib qolganlarida kelinlari oldilariga ovqatni minnat qilib, to'q etib qo'yib ketibdi. Bunday xolatdan dili og'rgan

uyalaridan ketib qolib, u kishi ham qariyalar uyiga kelibdilar.

Ular bilan xayrlashib ketayotib angladimki, garchi qariyalar uyida hech narsaga zoriqmasdan, juda yaxshi yashayotgan bo'lsalar-da, qalblarining bir cheti kemptik bo'lib, u ham bo'lsa o'z yaqinlari mehrining yetishmasligi edi.

Ko'rdilaringizmi bolalar, har bir insonning o'z yaqinlariga bo'lgan mehri juda katta kuchga ega ekan. Hammalaringizning bobolaringiz, buvilaringiz bor. Ular sizni behad sevadilar va sizga suyanadilar. Ularning borliqlari siz bilan. Qariyalarni go'dakka qiyoslashadi. Bolalarni avaylagandek, ularni ham asrab-avaylash kerak ekan. Agar ularni yaxshi ko'rsangiz, hafa qilmasdan, og'illarini yengil qilib ko'maklashsalarigiz sizdan shod bo'ladilar. Hadicha aya, Avaz otadek arazlab ketib qolmaydilar.

Timur RO'ZIMATOV.

Ислом сабоқлари

ТЕЖАМКОРЛАР МУХТОЖ БЎЛМАСЛАР

Кимки менинг умматим учун суннатимдан қирқ ҳадисни ёд олса, қиёмат кунида шафоатимга дохил бўлур.

Бир одамнинг бошқа бир одам билан учрашганда салом бермоғи, саломдан сўнг ҳол-аҳвол сўрашмоғи Аллоҳ наздида ҳам, Расулulloҳ наздида ҳам яхши иш саналур.

Аллоҳ ризо бўлишини истасангиз, болаларингизга доим адолат қилингиз.

Отага муҳаббатингни сақла, агар сен отага бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени ҳар турли фойзалардан маҳрум қилур.

Аллоҳ оталарингизни номи билан онт ичмоқни таъқиқлайди.

Хотинларда эрнинг ҳаққи кўпроқдир.

Эрларда эса оналарнинг ҳаққи кўпроқдир.

Пулнинг хайрли ва яхши оила аъзолари эҳтиёжига сарф этмоғидир.

- Светлана Қодировна! Қарийиб ўттиз йиллардан бери кино соҳасида ишлайсиз, кинода роллар ўйнадингиз, минглаб ролларга овоз беришда иштирок этдингиз. Асосийси: Сиз болалар учун ўндан ортиқ ажойиб саргузашт фильмлар яратдингиз. Мен Сиз яратган фильмларни кўрдим. Ҳаммаси ҳам юксак даражада яратилган. Айниқса менда “Ўзвийлик” деб аталмиш фильмингиз жуда кучли таассурот қолдирди ва узоқ вақт мана шу фильм лаззати билан яшадим. Киевдаги киноанжуманда, Бухородаги миллий киноанжуманда Сиз режиссёрлик қилган фильмлар “Энг яхши фильмлар учун” деган совринни олиши менинг фикримни тасдиқлаб турибди. Шу ҳақда суҳбатлашсак.

- Ўзингизга маълум, 1965 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг киноактёр бўлимини тугатганман. Кейин “Ўзбекфильм” киностудияси қошида ташкил этилган “актёрлар студияси”га имтиҳон билан қабул қилиндим. Бу орада Учқун Назаров ишлаган “Шиддат” фильмида врач Санобар Қодировна ролини ижро этдим. Бу фильм томошабинлар томонидан яхши қаршиланди. Кейин озгина муддат Ҳамза театрида актёр бўлиб ишладим. 1976 йили эса “мультифильмлар” цехига ишга ўтиб, режиссёр ассисенти бўлиб ишлай бошладим. 1977 йили “Тошбақа” фильмида тенг ҳақли режиссёр бўлиб, бу борадаги илк қадамимни кино оламига қўйдим десам янглишмайман. Болаларимизга озгина аниқлик киритиш учун мазкур фильм ҳақида тўхталсам. **Тошбақа олийжаноб, эзгуликни тараннум этувчи қаҳрамон. У ҳаммага, жумладан, ҳамжинслари - ҳайвонлар учун ҳам доим яхшилик қилади. Лекин чаён чаёлигига боради, яхшиликка ёмонлик йўлини тугтиб, тошбақани миндириб сувдан олиб ўтаётганида чақади. Иккаласи ҳам сувга чўкди. Охир-оқибат улар не машаққатлар билан қирғоққа чиқиб олишади. Чаён шундан кейин ўз халаскорининг олийжаноблигини англаб етади. Бироқ у аввал тошбақани чақиши билан ҳар иккаласи ҳам сувга гарқ бўлиши мумкинлигини англаб етмайди, калтабиллик қилади.** Фильм асосан гўзалликнинг ғалабасини тараннум этишдан иборат. Кейинчалик мен маҳоратни оширадиган олий курсни тугатдим. Енгимни шимариб, астойдил ишга киришдим. Натижада “Юмронқозик”, “Ҳақиқий воқеа”, “Ўзвийлик”, “Сеҳрли дон”, “Хўтик”, “Лола қўшиғи”, “Сеҳрли анор”, “Гулар эртаги”, “Ёмғир”, “Қудук”, “Икковлон” каби мультифильмлар юзга келди. Мультифильмлар асосан икки усулда яратилади. Чизма усулда ва терма усулда. Чизма усулда яратиладиганлари ўнлаб, юзлаб, минглаб турли-туман суратларни чизиш билан амалга оширилади. Терма мультифильмлар эса тайёр суратларни танлаб, жой-жойига қўйиш билан яратилади. Ҳар бир янги фильм узоқ изланишлар, яъни тун-кун ухламай қилинган меҳнат эвазига, айнаи вақтда миллий анъаналарни ўрганиш билан юзга келади. Ҳозиргидай эсимда. Фильмларни ишлаш жараёнида онам билан жуда кўп суҳбатлашардим. Ҳатто болани бешикка белаш, ечиб олиш, аллалашдан тортиб ухлатишгача, болаларнинг феъл-атворишгача, нималарни исташи, истамаслиги, нималарни ёқтириши, ёқтирмаслигидан тортиб, келинларнинг қайси қўлида чой узатишигача, кийиниш, ўзларини тутишларигача ўрганишга тўғри келди. Ўзим рус мактабини битиргандим. Узоқ йил миллий урф-одатларимизга,

анаъаналаримизга эътибор бермаган эканман. Болалар ҳақида кино яратиш жараёни эса ўзим кутмаган ҳолда мана шу шартли ҳолатларни ўрганишимни тақазо қилди. Бугун турмуш тарзимизни биламан десам, муболаға бўлмас. Санъат бари бир санъат-да, Санъат маҳорати етишмаган санъаткорларни ўз талаб ва эҳтиёжлари билан такомиллаштириб олади. Чунки унинг ўз даражаси мавжуд. Сирасини айтганда, янги филь-

МУЛЬТФИЛЬМ ИЖОДКОРИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли кинорежиссёр Светлана МУРОДХУЖАЕВА набираси билан.

нинг матнини ёзиб берадиган ёзувчилар тўғри-ма-тўғри фильм йўналишини, мазмунини ёзиб қўя қолади. Режиссёр эса матнда кўрсатилган, яъни фильмга зарур бўлган шароитни, анжомларни, қаҳрамонларнинг қиёфаларини, феъл-атворини, зарур бўладиган идиш-товоқларни матнга мослаб топиши, ўрганиши, изланиши шарт. Мана шу ўрганиш ва изланиш жараёнида миллий анъаналарни, урф-одатларни, турмуш тарзини чуқур ифодалашга тўғри келади. Бу талаб эса режиссёрни ёзувчи ҳам қилиб қўяди. “Ҳақиқий воқеа” мультифильмда икки ўрдак ҳақида гап боради. **Икки ўрдак жўжалаш, яъни тухум қўйиш учун ўзларига қулай қўл излашади. Қутилмаганда баланд қаватли биноларнинг устида сувни қўриб қолишади. Бу ёмғирдан йиғилган сув эди. Ўрдаклар мана шу сувни қўл атрофига тухум қўйишади. Жўжаларни очишади. Жўжалари улғаяётганида қасқандир бир қора мушук пайдо бўлади. Ўрдак жўжаларга ҳужумга ўтади. Бунини варрак учириб юрган бир бола кўриб қолади. Қора мушукдан ўрдак жўжаларини асраб қолади. Ўрдакларнинг ота-онаси бунини эвазига қора мушук тишлаб, ипини узган варрагини олиб келади. Кўриб турибсизки, бу фильмда ҳам ёмонлик устидан яхшилик тантана қилади.**

- Умуман олганда, болалар ҳамма нарсани борича қабул қиладилар. Яхшиликни кўрса, яхшиликка эргашади, ёмонликни кўрса, ёмонликка эргашини мумкин.

- Яхши эсимга солдингиз. Бу мутлақо жиддий масала. Мен ёзувчиларни ҳам, олимларни ҳам, умуман барча зиёлиларнинг фикрини шу масалага қаратмоқчиман. Чет, жумладан, Америкада ишланаётган олди-қочди, яъни уруш-ўлдириш, ўғрилиқ, фирибгарлик, зўравонликни тарғиб қиладиган юзлаб кинолар ҳар кун турли каналларда, гоҳ ошқора, гоҳ яширинча намойиш этилаётир. Бунга мутлақо қаршиман. Илгари ўзбекларда ота-онага, ака-укага, опа-сингилга қаттиқ гапириш, сўзини бўлиш, ҳурматсизлик саналарди. Кейинги пайтларда фарзандлар ота-оналарини ёки яқин кишиларини уриш ҳатто ўлдириш даражасига етиб боришаётир. Бу ахир ўша ярамас фильмларнинг натижаси-ку. Биз қаттиқ туриб, ноинсонийликни, ноэзгуликни талқ-

Болаларга қайғурмоқ - келажакка қайғурмоқ

ин қиладиган фильмларни ватанимизга киритмаслигимиз керак. Бугун Ватанимизга таҳдид солаётган, яъни Ватанининг, миллатининг юзига оёқ бостираётганларга ҳам ўша чет элда ишланаётган ноинсоний фильмлар таъсир қилди, десам янглишмайман. Маълумки, болаларнинг вужудларида минглаб туйғулар мавжуд. Масалан: яхшилик ва

доим яхшилик қил” деган тушунча келиб чиқади. “Хўтик” ҳам “Сеҳрли дон” ҳам фақат эзгулик ҳақида. “Қудук” фильми ёдингиздадир. **Чексиз-чегарасиз чўлда бир бечора жонивор барча жониворларга яхшилик қилиш, яъни қулар қизиб сув етишмай қолган вақтда сув билан таъминлаш ниётида қудук қазийди. Бошқа жониворлар эса: “Нима қилсам, қўй, қазима” деб қарши чиқишади. Вақт етиб ҳаммасига асқотади. Уни олқишлашади. Бу бечора эса бошқа ёққа қудук қазишга отланади.** Бошқа фильмлар ҳам мана шундай гўзалликка асосланган.

- Менда “Ўзвийлик” деб аталмиш фильмингиз жуда кучли таассурот қолдирди. Назаримда, бу фильмингиз умуман инсоният яратган барча юксак даражадаги фильмлар қаторида туради.


- Менинг ҳамма фильмларимга Москва телевидениеси буюртма берарди. Ўзбек телевидениеси ҳеч қачон буюртма бермаганди. Ўзвийлик фильмини яратиб Москвага олиб борганимиздан кейин кўрик бошланди. Фильм тугаши билан ҳамма бирдай ҳаяжон, кўтаринки кайфият билан мени ва рассом Сергей Алибековни табриклай бошлади. Шу лаҳзаёқ ҳамма ёқда “Ўзбекистондан ажойиб фильм олиб келишибди” деган шивир-шивирлар бошланди ва бир неча бор такрор кўришди. Чиндан ҳам мени қувонтиришди. Чамаси, илк томошабинларим янглишмаган экан. Мазкур фильм Киевдаги киноанжуманда “Энг яхши фильм” деган мукофотга сазовор бўлди. “Ўзбеклик” сўзи Абдуллик маънуносини билдиради. **Инсон туғилди ва ўлади. Бу азал-абад орасида кечадиган доимий жараён. Инсон ўлиши билан ҳаётни янгилайди, яъни болаларга ўрнини бўшатади. Одам ўлмаса, ҳаёт янгилабмайди. Одам туғилмаса ҳам ҳаёт янгилабмайди. Туғилиш ҳам, ўлиш ҳам ҳаётни янгилайди. Фильм матиндан шунақа фалсафа чиқиб қолди. Қариб бир одам йўқлик дунёсига кетишини англаб етди. Бутун вужуди, юзини мана шу туйғу эгаллади. Ҳаётини кечирган машаққатларини юзида ифодалагандан кейин катта сувнинг ичида пайдо бўлади. Ортига - авлодига қарайди, набирасини кўриб қувонади. Набирасини катта йўлга - ҳаёт йўлига кузатади. Набира йўлга тушади ва ортига ўтирилади, кулаётган бола бирдан йиғлайди. Кейин бир тўда қора кийган одамлар тобут кўтариб йўқлик дунёси томон ўтади. Азон қақирилади... бола қайғули кўзлари билан йўқлик томон - бобоси томон термулиб қолади...**

Мен фильмда бундай даҳшатли воқеа чиқиб қолади деб уйламагандим. Фильм жараёни, мазмуни, яъни матни шуни талаб этди. Ва бунини биз чизмачилик билан, яъни чизилган суратлар билан ҳаётдагидай ифодалаш бахтига муяссар бўлдик. Бу фильмининг қаерда кўрсатсак, илтимос қилишиб икки, ҳатто уч мартагача кўришади... бу эса мени қувонтиради. Ҳалдаги ишларимга руҳлантиради. Ўлим, қизим, биргина ширин набирам бор. Ишлаган фильмларим уларга ҳам ёқшини истайман. Умуман мустақилликда туғилган болаларимиз фақат яхши тарбия олишларини, фақат эзгуликка, мустақиллигимизга хизмат қилишларини истайман.

- Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Ўктам ҲАКИМ АЛИ

ёмонлик, яратувчилик билан барбодлик. Эзгулик билан тубанлик, олийжаноблик билан фирибгарлик, ўғрилиқ билан сарҳоват, ҳурмат билан ҳурматсизлик, севги билан нафрат, ёвузлик билан кечира билишлиқ, изтироб билан таҳлика, куч билан ожизлик, фахр билан камситишлиқ, ор билан орсизлик, номус билан номуссизлик, ҳалоллик билан ҳаромлик, поклик билан нопоклик, каби минглаб туйғулар инсон бoласига хос ҳислат. Мана шу ҳис-туйғулар, тушунчалар бола улғаяётганида тарбияга қараб таъсирини ўтказиши мумкин. Ёмон даврада ўсган болалар табиийки, ёмон бўлади. Яхшиликда ўсган болалар яхши бўлади. Демак, биз болаларимизга гўзал ва гўзалликка муҳтож туйғуларнигина ривожлантиришимиз шарт. Бугунги кунда кўчаларимизда нима учундир кир-чир болалар кўзга ташланади. Уларни мутассадди ташкилотлар тезлик билан ҳимояларига олишлари керак. Бу бизнинг, яъни ҳаммамизнинг биргалликда бажаришимиз зарур бўлган муқаддас бурчимиз. Бунини ёзувчилар ҳам, санъаткорлар ҳам ўз асарларида тўғри ифодалашлари керак. Мен илк бор санъат оламига кирган кунимдан бошлаб, бу фалсафани ўзимга шиор қилиб олганман. Мен фақат эзгуликни тан оламан. Гарчи, ҳамма ҳис-туйғулар ҳам инсон учун табиий бўлса-да, барибир эзгулик тантана қилиши керак. Шундагина биз келажакимиз бўлиш, болаларимизга тўғри қайғурган бўламиз. Ҳар биримизнинг фарзандимиз ва набираларимиз бор. Ҳеч биримиз уларни ёмон йўлга киришларини, кимларгадир озор беришларини истамаймиз. Биз фарзандларимиз ҳақида фақат яхши гапларни эшитишни истаймиз. Бу барча ота-она учун табиий ҳол. Санъатнинг вазифаси эса мана шу тушунча, туйғунини ифодалашдан иборат. Сиз “Сеҳрли кийикча” фильмини ҳам кўрдингиз. **Бу фильмда ёмонлик ва гўзалликни ифода этишга уринганман. Кийикчаини ёвуз куч йўқотишга келганда, камбағал бир йигит асраб қолади. Яхшилик эвазига кийикча қашшоқ йигитни Шаҳзода даражасига кўтаради. Охир оқибат қашшоқ бола манманликка берилиб, ўзини йўқотиб қўйди. Кийикчага буйруқ қила бошлади ва кийик қашшоқ йигитни аввалги ҳолига қайтаради. Бундан “Яхшиликка**



Кеч кирди. Она сичқон эрка ўғли сичқончани ухлатиш учун унинг хонасига кирди.

Алламаҳалгача унга ҳикоялар сўзлаб берди, алла ҳам айтди. "Хайрли тун!" - дея чиқаётганда сичқонча йиғлаб юборди.

-Нега йиғлаяпсан? - сўради Она

сичқон.

-Ойи, мен бошқа ойини хоҳлайман - деди сичқонча.

-Бошқа ойи! - бақриб юборди Она сичқон. -Мен сенга бошқа ойини қаердан топаман?-деди ва она ўрдак олдиға югурди:

-Сиздан илтимос, ўрдак хоним, мен билан бирга бизнинг уйимизга бориб, эрка ўғилчамни ухлатишга ёрдам беринг. У бошқа ойини хоҳлаяпти.

КАЙСАР ЎҒЛИНИНГ КЎЙИЛИШИ

Она ўрдак сичқоннинг уйига келиб, унга ашула айтиб берди. Лекин сичқонча "Мен бошқа ойини хоҳлайман" - деб яна йиғлади.

Она ўрдак Она қурбақанинг олдиға бориб, Она сичқон айтган гапларни такрорлади, ундан сичқончанинг уйига боришни сўради. Она қурбақа рози бўлиб, сичқоннинг уйига борди ва сичқончага ашула айтиб берди. Бироқ сичқончага бу

ҳам ёқмай, "бошқа ойи"ни хоҳлабди.

Она қурбақа Она чўққанинг олдиға борди. Аммо сичқончага чўққанинг ўзи ҳам, ашуласи ҳам ёқмади. -Йўқ! Менга бошқа ойи керак!"

Она чўққа Она эшакнинг олдиға борди. Сичқончани унинг ашуласи ҳам ухлатмабди. Ниҳоят, сичқонча ҳам чарчабди. "Мен нима истайман ўзи? Бошқа ойими ёки...", - деб ўйлабди. Ахир унга ўрдак, қурбақа, чўққа, эшаклар айтган ашулалар-

нинг биронтаси ҳам ёқмабди-да!

Сичқонча онасидан: - Ойи, мен бошқача бўлишим мумкинми? - деб сўрабди.

- Албатта, болажоним, - жавоб берибди Она сичқон, ва ҳатто унга бошқача алла ҳам айтиб берибди.

Шунда сичқонча ўз онасини яхши кўриб кетибди ва ўзимнинг онам яхши ва кўп алла биладилар, деб ширин уйқуга кетибди.

Инглиз тилидан

Зухра АСҚАРОВА таржимаси.

А.Темур номли 25-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

AMMAJONIM KELDILAR

Ammam keldi, hamma keldi,
Uyimizga nur to'ldi.
Onam ko'rpacha soldi,
Dadam ko'p xursand bo'ldi.
Buvajonim shodlanib,
Qo'lin ochdi duoga.
Mahkam quchoqlab deyman:
«Ammam zo'r-da, dunyoda!»
Dilbarxon SAYIDAKBAROVA,
Toshkent tumanidagi
19-maktabning 4-sinf o'quvchisi.

ЯНГИ АСР БОЛАСИ

Беш ёшли Умиджондан,
Онаси сўрар: "Ўелим,
Катта бўлгач, мактабда,
Оласанми сен билим?"
-Ие, ойи мактабда,
Ўқиб нима қиламан.
Сўранг, ҳамма нарсани,
Жуда яхши биламан.
-Айт-чи, нега осмонда,
Ҳар доим қуёш битта?
-Агар иккита бўлса,

Уришиб қолишар-да.

-Унда нега юлдузлар,

Талашиб уришмайди?

-Улар-чи, қоронғуда,

Бир-бирин кўришмайди.

Ўғлининг топқирлиги,

Онани хурсанд этди.

"Янги аср ўғли-да,

Билагон бўлиб кетди".

Латофат НАЗАРОВА,

Тошкент вилояти, Бўка

туманидаги 1-мактабнинг

9-синф ўқувчиси.

Ўриклар оппоқ гуллаган
кунларнинг бирида она товук "қо-
қо-қоғ"лашни унутиб, бирдан
"курк-курк"лай бошлади.
Патларини хурпайтириб, атрофга
хўмрайиб боқади. Хужумга
ҳозирланиб, ортингиздан
йўргалайди.

Боймороднинг дадаси бу
ҳолдан жуда хурсанд,
чунки, у зотли
дакан хўрозлар
ишқибози. Эртаси
куни қаерданбир беш дона йирик-
йирик тухум топиб келди.

-Боймород, яшикка майин хашак
солиб кел,-деди.

Тухумларни яшикка жойлаб,
"курк ой"ни бостиришди...

Орадан бир неча кун ўтиб,
яшикда бир-биридан чиройли,
момикқина жўжалар чий-чийлай
бошладилар.

Сариқ
тумшукчаларини сувга
ботириб, худди катта
товуқлардек осмонга
бўйин чўзиб,
ю т и н и ш а д и.
Боймороднинг ҳаваси
ортиб, жўжаларни
кафтига олиб силайди.

-Мушуклардан
эхтиёт бўлгин-а, яна
жўжаларингни еб
кетмасин,-тайинлайди дадаси.-
Дон, сувидан ҳам хабардор бўлиб
тургин.

Боймород "хўп" дегандек бош
чайқайди. Бир ҳовуч макка донини
жўжаларнинг олдиға сочиб юборади.
Жўжалар ейишга дув талпинадилар.
Бироқ донни оғизларига

сиғдиролмай, "аразлаб" нари
кетадилар.

Боймороднинг хурсандчилиги
узоққа чўзилмади. Ҳар куни
биттадан жўжаси сув қуйилган
сопол чархиге
энгашиганча ўлиб
қолаверди.

Таажжубдан боши
қотган дадаси:

-Боймород, охириги
жўжамиз қолди. Бугун
ўйнамасдан, ухламасдан
эртақдагидек Кенжаботирдек сирни
аниқлайсан,- деди-да ишга жўнади.

Боймород, халтачага нон, қанд
солди, ўйинчоқ милтигини
елкасиға осиб, жўжасидан кўз узмай
ўтираверди. Қуёш оҳиста қизариб,
бота бошлади. Боймороднинг
кўзлари беихтиёр юмилиб кетаверди.

Ишдан барвақт қайтган дадаси:

"Яшавор-е, ухлаяпсанми?"

Қара, охиригиси ҳам...

Балки ўзинг..."

Боймород кўзларини
катта-катта очиб,
ўзини оқлай кетди.

-Дадажон сўзларимға
ишонинг, мен
ўлдирганим йўқ...

Она товук эса безовта.
Мунгли "курк-курк"
лаб охириги фарзандини


ўз бағриға чорлаш билан овора...

Болалар, топинглар-чи,
Боймороднинг жўжалари нега нобуд
бўлди?

Вали АХМАДЖОН,
Фаргона вилояти, Богдод
тумани, Қонизар қишлоғи.



Азиз ўқувчилар! Бошқотирма
жавоблари "Қ" ҳарфидан
бошланиб. "Қ" ҳарфи билан
туғайдиган сўзлардан иборатдир.



1. Полиэтики. 2. Тўнка-
рилган минора. 3. Миллат. 4.
Юрса изи билинмас. 5. Қадимий
огирлик ўлчов бирлиги. 6.
Сут маҳсулот. 7. Бош кийими.
8. Балиқ тутиш асбоби. 9. Са-
ноқ сон. 10. Одам аззоси. 11. Уй-
рўзгор буюми. 12. Меҳмон. 13.
Қўйнинг боласи. 14. Ашула. 15.
Укамға ўхшар ўзи, асло юмил-
мас кўзи. 16. Хўл эмас. 17. Жони
йўқ, урса йиғлайди. 18. Ёғоч
арралаганда чиқадиған чиқинди.
19. Балиқнинг майда суяги.
20. Ўсимлик.

Тузувчи: Шерзод ЗОЙИРОВ,
Тошкентдаги 229-мактаб
ўқувчиси

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АХМЕДОВ,

Йўлдош САИДЖОНОВ,

Ойниса МУСУРМОНОВА,

Комил ЮСУПОВ,

Мукаррама МУРОДОВА,

Суннатилла ҚЎЗИЕВ,

Эргашвойи САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8401
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза ЖАЛИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.
Индекс 198

Тел: 144-62-34.